

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 183-ҳадис

1. 183. Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Асламлик бир йигит: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ғазот қилмоқчиман, лекин жиҳозланадиган нарсам йўқ», деди. У зот: **«Фалончининг олдига боргин, у жиҳозланган эди, касал бўлиб қолди»**, дедилар. Унинг олдига бориб, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сенга салом айтдилар ва жиҳозланган нарсаларингни менга беришингни айтдилар», деди. У: «Эй Фалона, унга жиҳозлаган нарсаларимни бергин, бирор нарсасини олиб қолмагин. Аллоҳга қасамки, ундан бирор нарсани олиб қолмасанг, сенга бунда барака бўлади», деди».

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

